

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!
Халқимиз бутун мусулмон уммати билан бирга-ликда катта шоду хуррамлик ила қутиб олаётган Қурбон ҳайити билан сизларни, гўзал диёримиздаги барча мўминларни чин қалбимдан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни билдираман.

Асрлар давомида эл-юртимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаб келаётган ушбу қутлуг байрам барчамизга муборак бўлсин!

Мана шундай шукҳудли ва саодатли айёмда ҳаммамиз аввало Аллоҳ таборака ва таолога беадад шукроналар айтишимиз табиийдир.

Сиз, азизларга яхши маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, турли миллат ва элатлар ўртасида тотувлик, аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳити тобора юксалиб бормоқда.

Айниқса, халқимизнинг ислом маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш, табаррук қадамжоларни обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантириш, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида бошлаган хайрли ишларимиз илму маърифатнинг қадрига етадиган эл-юртимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Фуқароларимиз учун яратилган янги имконият ва шароитлар туфайли ушбу мўтабар ва улуг айём кунларида Маккаи муқаррамада муқаддас ҳаж амалларини адо этаётган 7 мингдан зиёд ватандошларимиз бугунги тинч-осойишта, эркин ҳаёт учун Парвардигори оламга ҳамду санолар айтиб, юртимизга равнақ, халқимизга хайр-барака сўраб, дуои фотиҳалар қилишмоқда.

Ҳожиларимизнинг барчасини самимий муборакбод этиб, уларнинг она диёримизга соғ-саломат қайтиб келишларини тилаймиз. Улар ўзларининг ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан ёш авлодимизни эл-юртга садоқатли ва фидойи, ҳидоят йўлидан борадиган ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Яратганнинг неъматлари зиёда бўлаётган ва шукроналик ҳислари қалбларимизни нурафшон қилаётган ушбу айёмда узоқ ва яқин ҳудудларда жойлашган барча мусулмон мамлакатларининг халқларини, хорижий дўст ва ҳамкорларимизни қўллаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз.

Қадрли юртдошлар!

Қурбон ҳайитининг мамлакатимизда мустақил байрами арафасида кенг нишонланиши халқимизнинг руҳи ва қайсиқатини янада кўтармоқда.

Айни шу кунларда эл-юртимизга хос бўлган меҳр-мурувват, шафқат ва саховат туйғулари аяқол намоён бўлиб, барчамизни эҳтиёжманд, кам та-

минланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрса-тиш, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва қабристонларни обод қилиш каби савобли ишларга даъват этмоқда.

Бундай хайрли амаллар мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида рўёбга чиқарилаётган, инсонни азиз ва муқаррам деб билишга, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамохангдир.

Биз уларнинг замирида ислом динининг инсонпарварлик моҳияти ва қудратини кўрамыз, буюк маънавий мерос ворислари эканимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчангизни Қурбон ҳайити байрами билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

"Дилинг – Аллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин", деган олижаноб эътиқод билан яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Жонахон Ватанимиз, хонадонларимиздан хотиржамлик, аҳиллик, файзу барака ҳеч қачон ари-масин!

Эзгу интилиш ва ишларимизда Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият саройида Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Татаристон Республикаси спорт вазирлиги масъул ходимлари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, ҳудудий бўлимлар бошлиқлари ва ОАВ вакиллари жам бўлишди.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ



Жараёнда Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Татаристон Республикаси Спорт вазирлиги ўртасида спорт ва жисмоний тарбия соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон ва Татаристон Республикаси ҳукуматлари келишув доирасидаги ушбу меморандумда икки халқ ёшларининг дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини янада ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт орқали аҳиллик, тинчлик, дўстона ҳамкорлиқни тарғиб этиш, шуниингдек, оммавий спорт, ногиронлар спорти, спорт менежменти, спортчи кадрларни етиштириш, кишки

спорт турларини ривожлантириш каби тадбирларни ўтказиш белгиланган. Шуниингдек, меморандум доирасида семинарлар, симпозиум, конференция ва кўргазмалар ўтказилиши мақсад қилиб олинди.

Маросимда сўзга чиққан Татаристон Республикаси Спорт вазирининг биринчи ўринбосари Халил Шайхутдинов ва Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рустамовлар икки дўст халқни спорт янада бирлаштириши, товулик ва дўстликка чорлашини таъкидлаб ўтишди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Хабарингиз бор, шу йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида "International Festival of Handicrafters Kokand - 2019" халқаро ҳунармандлар фестивали бўлиб ўтди.

БЕКОБОДЛИК ҲАЙКАЛТАРОШ БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРМОҚЧИ

Ушбу нуфузли анжуманда вилоятимиздан 60 та энг сара халқ амалий санъати усталари иштирок этадилар. Бу кўли гул инсонлар орасида бекободлик истеъдодли ҳайкалтарош Далер Раҳматов ҳам бор. Болалик йиллариданоқ у онаси Дилбар Йўлдошева бошчилигида сополдан турли идиш-товуқлар ясай бошлади. Келгусида эса жозибador ва шинам ёдгорликлар, экзотик жониворлар,

Ўзининг кичик шақли ва ихчамлиги туфайли шер, бургут ва туя ҳайкалчалари замонавий биналар билан уйғунлашиб, ўзига хос меъморчилик ансамблини ташкил этади. Бир ишни бошлашдан олдин ҳайкалтарош расм ёки фотосуратга мурожаат қилади. Кейин эса аниқ математик ҳисоб-китобни амалга оширади. Сўнгра мум ёки лойдан бўлғуси асарнинг бошланғич шаклини яратади. Бундай мураккаб ишда унга акаси Арслон яқиндан ёрдам беради. Жимжимадор хум ва тувакларни ясашда уста тайёр қолиплардан фойдаланади. Бироқ, бундай усул билан тайёрланган маҳсулотга яна анчагина ишлов бериш, бўяш ва пардозлаш керак.



Давоми 4-бетда ➡

Сайёр қабуллар

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, эндиликда Халқ қабулхоналари ва секторлар раҳбарларининг аҳоли муаммолари билан ишлаши янги стратегия ва тизим асосида ташкил этилади.

«КИЧИК ОДАМ»ЛАРНИНГ «КАТТА ТАНИШ»ЛАРИ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРНИНГ ЕЧИМИГА ЖОЙИДА ҚўМАҚЛАШИШМОҚДА

Давлат идораларининг бевосита биринчи раҳбарлари энг оғир, энг чекка, энг олис ҳудудларга чиққан ҳолда, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганадилар.

Шундай сайёр қабуллар дастлаб вилоятимизнинг Оҳангарон шаҳридаги "Маданият ва истироҳат боғи"да ташкил этилди. Мазкур оммавий қабулда Президент Администрацияси, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, вилоятимиздаги Халқ қабулхоналари масъуллари, секторлар раҳбарлари иштирок этишди.

Оммавий қабулларни кузатар эканмиз, Давлат солиқ қўмитаси раиси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлари қабулда узундан узоқ навбатлар ҳосил бўлганини кўрдик. Бу ўзидан мурожаатларнинг асосий қисми айнан мазкур йўналишларга тегишли эканидан далолат беради. Қўшилган қўйимат солиғи, ўзгарган солиқ ставкалари, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар ва шу каби масалаларда тушунмовчиликларга дуч келаётган фуқаролар Давлат солиқ қўмитаси раиси билан бевосита мулоқотда бўлишди.

Асли хоразмлик Қизларбиби Алиева ҳам Соғлиқни сақлаш вазирига ўз соҳаси бўйича ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилди. Айтишига қараганда, бир неча йил Хоразм вилоятида лаборатория ҳамшираси бўлиб ишлаган. Доимий яшаш учун Оҳангарон туманига кўчиб келганидан бери иш сўраб қирмаган тиббиёт муассасаси қолмаган экан. Унинг муаммоси ҳам жойида ҳал этилаётган бўлди.

Давоми 2-бетда ➡

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим ўрин тутди

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва етук авлодни вояга етказишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илғор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Президентимиз ҳар бир маърузаси ва нутқида, турли учрашувларда халқимизни рози қилиш учун, энг аввало, унинг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш ниҳоятда зарурлигини таъкидлаб келаяпти.



Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилаётди.

Аммо, тизимни ислоҳ қилишда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилаётган муваффақиятли тажрибаси ва аниқ инновацион

Саломатлик



моделлари лозим даражада ҳисобга олинмаётганилиги соҳага инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйишда кийинчиларни вужудга келтираётгани.

Президентимизнинг 2018 йил 2 августда "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилганлиги соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига янги босқични бошлаб берди, дейиш мумкин.

Давоми 2-бетда ➡

«ЛУҚМАЙ ҲАЛОЛ» ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛИ

Йўлида ташланаётган муҳим қадамлар

Балиқ гўшти саломатлик учун жуда фойдали. Бу парҳезбop маҳсулотни инсон мунтазам истеъмол қилиб туриши керак. Халқимиз балиқни "луқмай ҳалол" деб аташида катта ҳикмат бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори аҳолининг балиқ гўштига бўлган талабини қондириш йўлидаги яна бир катта қадам бўлди.

Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитасига қарашли Балиқчилик илмий-тадқиқот институти олимлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган

"Easy fish" масъулияти чекланган жамияти давлат-хусусий шерикчилик асосида ёпиқ сув айланма тизимида балиқ етиштириш технологияларини жорий этиш бўйича илмий-амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Мазкур ҳамкорлик натижасида харидоргирлиги юқори бўлган маҳаллий тур балиқларни етиштиришга қаратилган технология ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Бунда мамлакатимизда илк маротаба ёпиқ

сув айланма таъминоти қурилмалари маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Илмий ёндашувда гап қўп

Соҳага интенсив технологияларни кенг жорий этиш орқали балиқ етиштириш ҳажмини бир неча баробарга ошириш мумкин, – дейди Янгийўл туманида жойлашган Балиқчилик илмий-тад-

қиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори Абдулла Қурбонov. – Бунинг учун хўжаликларга бириктирилган сув ҳавзаларидан илмий ёндашув асосида фойдаланиб, уларнинг мелиоратив ҳолати яхшилаб борилса кифоя.

Бугунги кунда, ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжини қондириш учун йилига камида 350-400 минг тонна балиқ зарур бўлади. Юртимиз-



да эса бу кўрсаткич бир неча баравар пастлигини инобатга олсак, ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, яъни балиқчиликни ривожлантириш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати аяқол кўрилади.

Балиқчилик ихтисослаштирилган инфратузилмани талаб этади. Бу вазифаларни бажариш учун фермер хўжаликлари ёки балиқчилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг салоҳияти ҳамда имкониятлари етарли даражада эмас. Шунинг учун соҳанинг эгаси, мувофиқлаштириб турадиган институт бўлиши ниҳоятда зарур. Илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан масалан, уч турдаги – осётр, тилипия ва маҳаллий карп балиқларининг насли зотини ёпиқ сув айланма тизими қурилмаларида етиштириш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилишининг ўзи соҳа ривожини йўлида жуда катта имконият яратади, – дейди институт директори.

Давоми 3-бетда ➡

Оммавий қабулдаги аҳоли мурожаатларининг асосий қисми тиббиёт муассасаларида даволаниш йўлланмаларини олишдаги муаммолар билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш, паспорт-виза, ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлар, собиқ ички ишлар

Учтаси бирда ҳал этилди

Телов кишлоғининг "Қизилой" маҳалласи раиси масъулларга учта масалани ҳал этиш бўйича мурожаат қилди. Булар – ичимлик сувини яхшилаш, электр таъминотидаги узилишларга барҳам бериш, хусусан, 1960 йилда қурилган трансформаторни янгилаш ҳамда кишлоқ врачлик пунктининг ўз ўрнига қайтарилишига оид масалалар эди. Маҳалла раисининг уч мурожаати ҳам асосли экани айтилиб, улар бирмабир ҳал қилинадиган бўлди.

Абдумажид Аликулов ўз мурожаатида ҳудуддаги 9 маҳаллага мўлжалланган ягона масжид таъмирталаб эканини, янгисини қуриш учун жой муаммо бўлиб келаётганини айтди. Масала ўрганилгач, мазкур ҳудудда яна бир масжид қуриш учун жой ажратилдиган бўлди.

"Санам" маҳалласи аҳлини кўп йиллардан бери мактабгача таълим муассасаси йўқлиги қийнаб келади. Маҳалла аҳли мазкур ҳудудда боғча

ташқил этишда амалий ёрдам сўради. Ваҳоланки, биргина шу маҳалланинг ўзида боғча ёшидаги 300 нафардан зиёд бола бор. Бу масала ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Теловга иш билан келган бекободлик Нўмонжон Дехқонбоев оммавий қабул хабарини эшитиб, мутасаддиларга кредит масаласида мурожаат қилди. Олти йилдан бери

Аҳоли кишлоқда мактабгача таълим муассасаси йўқлигидан қийналади. Айни вақтда бу ҳудудда 187 нафар боғча ёшидаги бола мавжуд. Улар мактабгача таълимга қамраб олинса, 150 дан ортиқ аёл ўз меҳнат фаолиятини давом эттиришлари мумкин.

Қабулда ижтимоий инфратузилмалар билан боғлиқ муаммони те-

кадастри кўмитасига, 11 таси Марказий банкка тааллуқлидир.

Бундан ташқари, кишлоқмакишлоқ юриб ўтказилган қабуллар жараёнида Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Кудбиев Телов кишлоғида 32 фуқарони қабул қилиб, улар кўтарган масалалардан 20 тасини жойида ҳал қилишга эришди.

Ички ишлар вазири, Олий суд раиси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раиси "Шодмалик"да 35 нафар, "Гулобод"да 29 нафар фуқарони қабул қилиб, жами келиб тушган 42 та масалани жойида ҳал қилишга эришди.

Давлат солиқ кўмитаси раиси ва Соғлиқни сақлаш вазири Увак кишлоғида 29 нафар фуқаронинг мурожаатини қўриб чиқиб, уларда кўтарилган 30 дан зиёд масаланинг 15 тасини жойида қаноатлантиришга муваффақ бўлди.

Судлар томонидан Оҳангарон шаҳри маҳаллалари ва кишлоқларида ўтказилган оммавий қабуллар натижасида 95 фуқаро суд залидан, 10 нафар маҳкумнинг жазоси енгилроғига алмаштирилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Қабуллар жараёнида фуқаролар томонидан асосан ишга қайта тиклаш, фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатга қўйиш, бузиб ташланган уй-жойи учун компенсация тўлаш, жазо муддатини ўтаётган шахсларни авф этиш, суд қарорлари устидан норозилик, уй-жой ажратиш ва моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалар кўтарилди.

Умуман, қабуллар жараёнида жами 552 та мурожаат келиб тушди, улардан 184 таси (33 фоизи) жойида ҳал этилди. Қолган мурожаатларнинг ижроси назоратга олинди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

ТАДБИРКОР АЁЛ ТУҲФАСИ

Наргиза орзу қилган савдо дўкони қурилиши аяқланиб, уни ишга тушириш ҳаракати билан юрар экан, кўнгил тубидаги яна бир эзгу ниятини амалга оширишни режалади.

Эзгулик

"Шукри, Яратган топганимга барака бермоқда, – ўйлади у. – Бирок, ён-атрофимда эҳтиёжманд оилалар ҳам бор. Агар уларнинг бирор мушкуллари осон қила олсам, ўзимни янада хотиржам сезардим..."

Оила аъзоларига шу ҳақда маслаҳат солиб, бир неча эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг тўйини қилиб беришни таклиф этди. Шундан сўнг туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раҳбарлари билан келишган ҳолда бўлажак тadbир тайёргарлигига киришди. Дастлаб, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ана шундай оилалар аниқланиб, улар билан суҳбатлашилди. Янги савдо мажмуаси очиладиган кунда "Қорақўйли" ва "Ёшлик" маҳаллаларидан бир нафардан, "Бирдамлик", "Янги ҳаёт", "Бешиз" маҳаллаларидан икки нафардан, жами саккиз нафар болажоннинг сўнат тўйини ўтказишга келишилди.

Энди бу эзгу ишларнинг ташаббускори ҳақида икки оғиз сўз. Бекобод тумани фарзанди Наргиза Турсунова омилкор ишбилармон аёлларимиз сирасидан. У ёш бўлсада, кўпчиликка бош бўладиган даражада фаоллиги билан кишлоқ аҳлининг турмушга сазовор бўлган. Яқинда Н. Турсунова томонидан "Қорақўйли" маҳалласи марказида муҳташам савдо маркази қуриб битказилди. Кенг ассортимента эга бўлган маҳсулотлар билан хизмат кўрсатувчи ушбу савдо биноси қурилишига салкам 300 миллион сўм сарфланди.

...Яқинда "BEK MARKET" савдо мажмуаси олдида қарнай-сурнай садолари янгради. Ушбу тантанали тadbир ва болажонларнинг сўнат тўйида маҳалла аҳли билан бирга туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этиб, болажонларга ўзларининг эзгу тилакларини изҳор этишди.

Юсуф ЭРҒАШЕВ

«КИЧИК ОДАМ»ЛАРНИНГ «КАТТА ТАНИШ»ЛАРИ

муаммоли масалаларнинг ечимига жойида кўмаклашишмоқда

органлари ходимларини ишга қайта тиклаш ва шу органга ишга кириш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда маиший масалаларга оид мурожаатлар Ички ишлар вазири қабулида муҳокама этилди.

Қабул жараёнида аниқланган муаммоларни жойида ечиш чоралари қўрилиб, ҳал этилиши вақт талаб этадиган ҳолатлардагина аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Оҳангарон шаҳридаги истироҳат боғида ташқил қилинган оммавий қабулдан сўнг аҳоли муаммоларини ўрганишда секторлар раҳбарлари Оҳангароннинг энг узоқ, чекка ҳудудларига бўлиниб, бевосита жойларга чиқиб, қабуллар ўтказди.

Телов – Оҳангарон шаҳридан қарийб 30 км. узоқда жойлашган. Бош прокурор ва вилоят прокурори мазкур ҳудудда аҳоли билан юзма-юз, очик мулоқотга киришди.

◀▶▶ Бошланиш 1-бетда



тadbиркорлик қилиб келаётган Нўмонжон аканинг айтишича, у 2017 йилда Бекобод шаҳридаги "Қишлоқ қурилиш банк" филиали билан сутни қайта ишлаш ҳамда тикув цехи ташқил

гишли вазирлик ва идораларга етказилиши ва аниқ ечим ҳақида тез кунларда туман мутасаддиларига топшириқ берилиши ҳақида айтилди.

Шунингдек, ноҳақ айбловлар билан ички ишлар тизимидан четлаштирилган собиқ ходимларни ишга қайтариш масаласидаги мурожаатлар ҳам қўриб чиқилди ва 5 нафар ходим қайта ишга тикланди.

Оҳангарон туманининг "Шодмалик" маҳалласида Олий суд раисининг сайёр қабули бўлиб ўтди. Суд-ҳуқуқ тизимига оид 20 дан ортиқ мурожаат юзасидан назорат ўрнатилиши қайд этилди ва 21 та мурожаат бўйича асосланган ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Вилоятимизнинг Оҳангарон шаҳрида ўтказилган оммавий қабулда 427 та мурожаат келиб тушди. Шундан 152 мурожаат Олий судга, 105 та Бош прокуратурага, 67 та Ички ишлар вазирлигига, 26 та Адлия вазирлигига, 23 та Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 14 та Давлат солиқ кўмитасига, 13 та Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат

Асосий муаммо — компенсация

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Оҳангарон туманининг энг чекка кишлоқларидан бири – Гулободда оммавий қабул ўтказди.

Ronesans Hospital (Туркия), Ronesans Med Group (Германия), Газпром (Россия), Татаристон Республикаси Қозон шаҳри ҳукумати ва архитектура-конструктор бюроси вакиллари, Россия банклари

мни ривожлантириш ва чет эл инвестициялари, инновацион лойиҳаларни жалб қилиш мақсадида вилоятимизда фаолият кўрсатаётган етакчи санаториялар ҳамда зиёратгоҳлар тўғрисида тарихий маъ-

зилди. Шунингдек, мутахассисларимиз томонидан долзарб мавзуларда ўқув-семинарлар ташқил этиб келинапти. Жумладан, Зангиота ва Тошкент туманлари ҳамда Ангрен ва Олмалик шаҳар кўп

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим ўрин тутади

билан ҳамкорликда Нурафшон шаҳрида турли даволаш-профилактика ва ёрдамчи тиббиёт муассасаларини бирлаштирадиган кластер ташқил қилиш бўйича лойиҳа ва дастлабки концепцияни тайёрлашда фаол иштирок этишди. Бундан ташқари, тиббиёт ходимлари касбий малака даражаси, шунингдек, уларнинг кўникмаларини замонавий талаблар ва жаҳоннинг энг яхши амалиётига мувофиқлиги устидан, шу жумладан, улар фаолиятини яқка тартибда лицензиялашни жорий этиш бўйича онлайн электрон база яратилмоқда.

Хусусан, аҳолининг декретив гуруҳини санминимум ўқув курсларида ўқитишни республика ва вилоят даражасида ташқил этиш ва марказлаштириш учун таклифлар ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳмадиси, вилоят ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш, Архитектура ва қурилиш вазирликлари,



лумотлар жамланиб, тақдимотлар тайёрланди.

– Фаолиятимиз давомида хайрия тadbирларини ҳам ўтказиб келамиз, – дейди Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вилоят ҳудудий бўлинимаси директори Камола Тулаганова. – Жорий йилнинг февраль ойида малакали шифокорлар томонидан Оҳангарон туманидаги "Саховат" уйида 160 нафар ногирон ва ёлғиз қария тиббий-қўриқдан ўтка-

тармоқли марказий поликлиникаларида "Соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик" мавзусида 10 дан ортиқ семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Қиёра туманида жойлашган ҳарбий қисмда эса "Соғлом турмуш тарзи", "Соғлом овқатланиш", "ОИВ инфекцияси профилактикаси" мавзуларида ҳам учрашувлар ўтказилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Худудий хотин-қизлар кўмиталарида

Оққўрғон туманидаги "Сувти" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ибратли ҳаёт мактаби" мавзусида семинар ташқил этилди.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ МАКТАБИ

Унинг асосий мақсади жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш, мустақкам ва намунали оилаларни янада кўпайтиришдан иборат. Бу ҳақда Оққўрғон тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнора Абдуназимова шундай дейди:

– Албатта, оилаларнинг мустақкам бўлиши нафақат ёшлар, балки катталарнинг панд-насиҳатлари, йўл-йўриқларига боғлиқдир. Маҳаллада фаолият юритаётган мутахассислар ва маҳалла фаоллари томонидан амалга оширилаётган чоратadbирлар ҳам ибратли оилаларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бу тadbир орқали "Сувти" маҳалласида ўз самарасини

бераётган ижобий ишлар ҳақида маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақкамлаш бўйича мутахассисларни хабардор этиб, яхши тажрибаларни оммалаштиришга ҳаракат қилди.

Семинарда "Мустақиллик", "Навбахор", "Ҳосилдор", "Бирлик" ва бошқа МФЙ мутахассислари ҳам ўз ҳудудларида амалга ошираётган ишлар билан тadbир катнашчиларини таништирдилар.

Тadbир сўнггида бир қатор оила соҳибларига "Ибратли хонадон" ташаккурномалари тантанали топширилди.

Пардабой ЭРҒАШЕВ



Ўза парваришида долзарб қирқ кунлик

АСАД СУВИ ЭКИННИ ЯШНАТАДИ

Чиноз туманидаги "Одинабой Сангинович" фермер хўжалиги деҳқонлари бу йил 76 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта олишга аҳд қилишган.

Шунинг учун ҳозирги ганимат кунларда ўза парваришини юксак агротехника талаблар асосида олиб бормоқдалар. Сугорғини, ишлов бериш, озиклантириш, бегона ўтларга, зараркундаларга қарши курашиш сингари тadbирлар пахтакорларнинг доимий диққат-этиборида бўлмоқда.

Иссиқ кунларда ўзаларни чанқатиб қўйиш ҳосилдорликка жиддий пўтур етказиши мумкин. Шу боис, асл бободеҳқонларимиз тажрибасига амал қилаётган фермер хўжалиги пахтакорлари мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун экинни асад суви-га қондирмоқдалар.

Омон НУРУШЕВ



Мутахассис минбари

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини таъминловчи асосий омиллардан бири энергетика ресурсларидир. Шу боис, мамлакатимизда умуммиллий бойлик ҳисобланган бундай ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида долзарблик касб этади.

ТЕЖАМКОРЛИК ВА САМАРАДОРЛИК – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Бу борада "Ўзнефгазинспекция" ходимлари томонидан вилоят ҳудудида нефть маҳсулотлари ва табиий газдан фойдаланишнинг аҳоли режа-жадвалларга асосан ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилапти. Яқинда ана шундай тadbирлардан навбатдагиси ташқил этилди.

Ўрганишлар давомида "Пахта нефть базаси" МЧЖга қарашли фермерларга ёқилги тарқатиш шахобчаларида сифимлардаги маҳсулотнинг ҳақиқий қолдиғи билан ҳисобхона қолдиғи таққос-

ланганда бир қанча камчиликлар аниқланди.

Жумладан, Чиноз тумани 13-сонли ФЭТШ (фермерларга ёқилги тарқатиш шахобчаси)да 12 минг 235 литр ЭКО дизель ёқилгисидан камомад, шунингдек, ёқилги тарқатиш устунчасидаги кўрсаткич билан ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида 18 минг 147 литр фарқ аниқланди. Тумандаги Т. Охунова номи 11-сонли шахобчада эса 51 минг 209 литр ЭКО дизель ёқилгисидан камомад, ёқилги тарқатиш устунчасидаги кўрсаткич билан ҳисобот кўрсаткичлари

ўртасида 34 минг 754 литр фарқ маълум бўлди. Бундай ҳолатларга Оққўрғон туманидаги Х. Олимжон номи 41-сонли, Қуйчириқ туманидаги Абай номи 22-сонли, Улуғбек номи 8-сонли фермерларга ёқилги тарқатиш шахобчаларида ҳам йўл қўйилган.

Ўрганишлар давомида "Қучлук нефть базаси" МЧЖга қарашли фермерларга ёқилги тарқатиш шахобчаларида ҳам сифимлардаги маҳсулотнинг ҳақиқий қолдиғи билан ҳисобхона қолдиғи таққосланганда бир қатор камчилик-

лар борлиги ойдинлашди.

Мисол учун, Бўка туманидаги Ачамайли номи 77-сонли ФЭТШда 13 миллион 680 минг 800 сўмлик дизель ёқилгисидан ортиқчалик, Қашқадарё номи 31-сонли ФЭТШда тарқатиш устунчаси ва ҳисобот кўрсаткичларида 49 миллион 494 минг 900 сўмлик фарқ, Жамбул номи 44-сонли ФЭТШда тарқатиш устунчаси ва ҳисобот кўрсаткичларида 146 миллион 529 минг 600 сўмлик фарқ мавжуд. Афсуски, Писикент туманидаги 7-, 20-ҳақда 87-сонли, Юқоричирчиқ туманидаги 37-сонли шахобчалар ҳам турли камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас экан.

Яна бир умумий ҳолат шуки, вилоятимиз ҳудудидаги айрим қорхона ва ташкилотларда лойиҳа ҳужжатлари-га зид равишда газ жиҳозлари тармоқларга улаб олинмоқда.

Масалан, Олмалик шаҳридаги оҳақ ишлаб қайиришга иктисослашган "Фруит Интен-

сив", Юқоричирчиқ туманидаги шу турдаги "Сифат оҳақ бизнес", Тошкент туманидаги ёғ-мой маҳсулотлари тайёрловчи "Сан флуэур ситс" қорхоналарида табиий газ тармоқларига тегишли лойиҳа ва бошқа техник ҳужжатларсиз, ўзбосимчилик билан уланиб, халқ мулкидан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани аниқланди. Бу давлат манфаатларига катта зиён етказиш баробарида, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, хавфсизлик қоидаларини қўпол тарзда бузиш ҳисобланади.

Айни пайтларда аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилиб, бунга йўл қўйган шахсларга нисбатан қўнунчиликда белгиланган тартибда чоралар қўрилимоқда.

Бекзод СОБИРОВ,
"Ўзнефгазинспекция"
Тошкент ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари

□ Кучли фуқаролик жамияти сари

Сўнгги икки-уч йилда жамиятимизда барқарорликни сақлаш, аҳоли тинчлиги ва оёсайишалигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботнинг муҳим қафолини ҳисобланган ички ишлар органларида туб ислохотлар ўтказилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шу вақт оралиғида тизимга оид 45 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Мазкур вазифалар натижасида мамлакатимизда мавжуд маҳал-

лаларнинг аксариятида жиноятчиликнинг кескин камайишига эришилди. Қўллаб маҳаллаларда эса бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бу, албатта, ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли орасига кириб, улар билан ҳамдард, ҳамқадам бўлиши, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашда аҳоли билан жипсликда иш олиб боришлари самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам аҳоли орасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган профилактик ишларни ташкил этиш ва жамоат тартибини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда вилоятимиздаги туман ва шаҳар ички ишлар органларининг жиноят-қидирув бўлимлари бош-лиқлари, хавфсиз туризмни таъминлаш хизмати тезкор профилактика ходимлари, навбатчилик ва профилактика инспекторлари учун малака ошириш сайёр ўқув йиғинлари ташкил этилди.

Ўқув йиғинлар доирасида маҳаллаларда "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак"

хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб

ЖИНОЯТЧИЛИККА «ЎЗИНИКИ ВА ЎЗГАЛАРНИКИ», ДЕБ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

мавзусида учрашувлар ташкил этилди.

Бундай учрашувлар вилоятимизнинг Қўйиб, Тошкент туманларидаги бир нечта маҳаллаларда ҳамда Чирчиқ шаҳрида ўтказилди. Уларда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оёсайишликнинг қадрига етиш, унинг барқарорлигига ҳисса қўиш, хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники", деб ажратиш тўғрисидадан воз кечиш, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш каби мавзулар ҳақида сўз юритилди.

— Юксак профессионализм,

ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг кундалик вазифасига айланмоғи лозим, — дейди Малака ошириш институти раҳбари, полковник Нуриддин Норматов. — Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, профилактика инспекторлари ички ишлар органларининг маҳалладаги вакили эмас, балки маҳаллаларнинг ички ишлар органларидаги вакиллари айланишлари керак. Бу вазифа негизида биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашиш,

ёшларимизни турли жиноий гуруҳларнинг, айниқса, диний-экстремистик оқимлар тарафдорлари таъсирига тушиб қолишдан асраб-авайлаш мақсади ётибди.

— Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказилган учрашув жуда самарали бўлди, — дейди Қўйиб тумани, "Ёшлик" маҳалласида истиқомат қилувчи Гулчехра Ашурова. — Унда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оёсайишликнинг қадрига етиш, унинг

олиш мақсадида жойларда ўтказётган тартибот-тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Худудимиздаги аҳолининг 50 фоизга яқинини аёллар, 700 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Маҳалламизда йил бошидан шу кунга қадар жиноят содир этилмади. Албатта, бундай натижага ўз вақтида ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларни турли иллатлардан сақланишлари ва билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш мақсадида тартибот тадбирлари ташкил этиб эришдик.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ташкил этилаётган мана шундай тартиботлар туфайли аҳоли орасида жиноятчилик сезиларли даражада камаймоқда. Улуғ шоиримиз Абдулла Авлоний ҳам баркамолликнинг асосини тарбияда деб билиб, "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", деган эди. Шундай экан, маҳалладаги ҳар бир ёшнинг эртанги кунига бефарқ бўлмаслигимиз, уни жамоатчилик эътиборидан четда қолдирмаслигимиз керак. Шундагина амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини беради. Акс ҳолда, бундай учрашувларнинг шунчаки ўтказилаётган навбатдаги тадбирлардан фарқи қолмайди.

Ўз мухбиримиз

UZAUTO MOTORS

Мустақиллик ҳамда

Қурбон ҳайити

байрамлари мүнсабати билан акциялар эълон қилади

UZAUTO MOTORS компанияси барча юрдошларимизни кириб келаётган Мустақиллик ҳамда Қурбон ҳайити байрамлари билан қўллаб, махсус акциялар ҳақида эълон қилади, дейилади компания баёнотида.



Шунингдек, 2019 йилнинг 9 августидан эътиборан сиз ўзингиз учун 2 йилгача бўлган муддатга энг мақбул кредит шартларда автомобиль харид қилишингиз мумкин, дейилган.

Акция шартларига кўра, Uzauto Motors компанияси Асака банк билан биргаликда Lacetti 1 поз. ҳамда GBO, Malibu ва Tracker автомобилларини дастлабки 50 фоиз тўлов эвазига йиллик 5 фоиз устама билан харид қилишни таклиф этмоқда.

Акциянинг амал қилиш муддати — 2019 йилнинг 9 августидан 31 августига қадар.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Uzauto Motors компанияси InfiniBANK билан биргаликда фойдали шартларда автокредитлаш бўйича яна бир акцияни йўлга қўйишни маълум қилган.

2019 йилнинг 12 августидан 1 сентябрга қадар сиз InfiniBANKдан автомобиль харид қилиш учун кредит олишингиз мумкин. Кредит 3 йил муддатга йиллик 16 фоиздан бошлаб, 25 фоиз дастлабки тўлов эвазига тақдим этилади.

Акцияда UZAUTO MOTORS компаниясининг биринчи позиция ва газ баллон ускунаси Lacetti, Malibu ва Tracker автомобиллари иштирок этади.

Кредитлар жисмоний ва юридик шахсларга ЎзР миллий валютасида фақат қуйидаги шартларда янги автомобиллар харид қилиш учун берилади: Malibu ва Lacetti автомобиллари йиллик 18 фоиз, Tracker йиллик 16 фоиз устама.

ЎзА

Изланишлар ортидаги кашфиёт

Институт ходимлари томонидан тупроқли ҳавзаларни кислород билан бойитувчи мобил аэратор яратилди ва синовдан ўтказилиб, балиқчилик хўжаликларида тавсия этилди. Олинган натижалар асосида институт ходимлари Зойир Саидов ва Тоҳир Фатиховларга муаллифлик гувоҳномаси берилди. Ўшбу қурилманинг фойдаси жуда катта. Гап шундаки, мамлакатимизнинг тупроқли ҳавзалари туби узок йиллардан буён агротехник тадбирлар амалга оширилмаганлиги натижасида ботқоқлашиб қолган. Балиқ ўстириш талабларига кўра, ҳар икки-уч йилда бир маротаба ҳавзаларни тозалаш туриш зарур. Чунки, балиқлар овқат ҳазм қилишдан ҳосил бўлган қолдиқлар, солинган минерал ва органик ўғитлар ҳавза тагига чўкиб, балиқлар учун, айниқса, ёз ойларига катта зарар етказиши. Яъни, чўкиндилар ҳавза тубида кислород етишмовчилигини келтириб чиқаради. Мазкур муаммоларни бартараф этишда ўшбу мобил аэратор жуда қўл келади.

Технология — муаммога чек қўяди

Юқорида келтирилган қарорнинг яна бир муҳим жиҳати ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Маълумки, балиқ гўшти тез бузилади. Унинг сифатли сақланиши учун катта ҳажмдаги музлаткичлар ёки уни қайта ишлаш керак бўлади. Хўжаликлари кийнаб келаётган муаммолардан бири ҳам шу, аслида.

Эндиликда янги бизнес лойиҳалар, замонавий технологияларни ҳаётга татбиқ қилиш лозим. Шу маънода, қарорда тижорат банкининг инвестицион компаниясини

◀◀ Бошланғич 1-бета

ташкил этиш маъқуллангани айтиш мумкин бўлди.

Мазкур ташаббус тармоқ лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, шунингдек, маслаҳат, ахборот-таҳлил ва маркетинг хизматлари кўрсатиш йўли билан балиқчиликни ривожлантириш дастурини амалга оширишда қўл келади.

«ЛУҚМАЙ ҲАЛОЛ» ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ТАШЛАНИБЎТГАН МУҲИМ ҚАДАМЛАР



Колаверса, тармоқ корхоналари 2023 йилнинг 1 январигача уруғ, чавоқлар ҳамда балиқ етиштиришдан, балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашдан олинган даромадларидан ягона солиқ тўламайдилар. Албатта, бундан тушадиган маблағлар, биринчи навбатда балиқчилик тармоқининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, иқтисодий қўллаб-қувватлашга ва соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилаётганлиги айтиш мумкин.

Қарор билан балиқчилик тармоқини янада комплекс ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ички бозорга узлуксиз равишда кенг асортиментдаги арзон ҳамда сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб берилишини таъминлаш баробарида,

соҳада ягона бошқарув тизими ташкил этилишига, янги иш ўринлари яратилишига, ҳудудларнинг иқтисодий-иқтисодий рағбатига хизмат қилади.

Фойдали интеграция

— Балиқчилик илмий-тадқиқот институти ва "Biznes development consulting" масъулияти чекланган

ҳодимлари томонидан иқлимлаштирилаётган.

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти илм-фан интеграциясини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртли билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, институт олимлари Тошкент давлат аграр университетининг балиқчилик

кафедрасида талабаларга дарс беришяпти. Университет ўқитувчилари эса Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилаётган лойиҳаларда иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетининг "Зоология ва тупроқшунослик" факультети ҳамда Тошкент давлат аграр университети балиқчилик кафедраси талабалари Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида дала амалиётини ўтаб, мавжуд қўлланмалардан фойдаланган ҳолда диплом ишлари учун керакли маълумотларни ҳозирданқ тўплаб боришяптгани ҳам эътиборлидир.

Изланишлар ва илмий тадқиқотлар соҳа ривожига, албатта, муҳим бурилиш ясади. Балиқ маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчи ҳажмини бир неча баравар кўпайтириш халқимиз саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Президентимиз томонидан тармоқ ривожини учун қўйилаётган вазифа ва топшириқлардан қўзланган пировард мақсад ҳам шу.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бекобод шахри, Аббасов кўчаси, 264-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилиш-банк" АТБ Бекобод филиали биносининг том ва фасад қисмини жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари бўйича корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Бекобод шахри, Аббасов кўчаси, 264-уй. Тел.:(0-370) 214-21-46.

Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб, 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

ТҮРТ ЯРИМ МИНГДАН ОРТИҚ ТАДБИРКОРНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг аралашуви билан жорий йилнинг апрель ойидан бугунги кунга қадар вилоятдаги 4 минг 500 дан ортиқ тадбиркорнинг фаолиятини қайта тиклашга эришилди.

□ Давра суҳбати



Бу ҳақда вилоят солиқ бошқармасида улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлар учун ташкил этилган давра суҳбатида маълум қилинди. Унда туман, шаҳарлардаги давлат солиқ инспекциялари ходимлари, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси мутасаддилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди. Мазкур учрашувда бугунги кунда юртимизда ишбилармонларга берилаётган солиқ имтиёзлари, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, соҳага оид қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Кези келганда шунини таъкидлаш керакки, тадбиркорлар томонидан келиб тушаётган мувожаатлар таҳлил қилингандан, уларнинг аксариятида банклардан кредит олиш ва фаолияти давомида ҳар хил бюрократик тўсиқлар билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича бизнес-омбудсман вакиллари томонидан 40 дан ортиқ тадбиркорнинг банк билан боғлиқ масаласи ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилган турли идораларнинг мансабдор шахсларидан 3 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. 4 нафарига интизомий жазо чораси кўрилди ва 5 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбир якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоб олишди.

Вилоят солиқ бошқармаси матбуот хизмати

Олмалик шаҳрида Президент соврини учун белбоғли кураш бўйича 2002-2004 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилмоқда.

Мазкур нуфузли чемпионат олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида Бутунжаҳон Белбоғли кураш ассоциацияси президенти Гинтаусас Вилейта, Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раиси Раъшан Дастиров, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги масъуллари, журналистлар иштирок этди.



Эртага — Қурбон ҳайитининг биринчи кун

Айвоннинг қурбонрак бўлиши, азишлар!



АРАФА САБОҚЛАРИ

Қурбонлик сўйиш муқим ва фитр садақа нисоби миқдорида бойликка эга бўлган ҳар бир эркак ва аёл мусулмонларга вожибдир.

Ҳақиқат ва сафардаги кишиларга вожиб эмас. Лекин, сафардаги кимса нафл сифатида (ихтиёрий равишда) қурбонлик сўйса, жоиз. Сўймаса, гуноҳкор бўлмайди.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ва Юсуф ҳазратларига кўра, қурбонликнинг вожиб бўлиши ақлга ва балоғат ёшига боғлиқ эмас. Шу нуқтага назардан, балоғат ёшига етмаган болалар ва ақли заифлар учун уларнинг оталари ёки уларнинг ҳисобидидаги молни идора қилиб турган кишилар қурбонлик сўйиши керак бўлади. Бу қурбонликлардан фақат уларнинг ўзларигагина ейишди, бошқалар ея олмайди.

Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар

Қўй, эчки, туя, қорамолларнинг эркаги ҳам урғочиси ҳам сўйилиши мумкин. Булардан туя беш ёш, сигир икки ёш, қўй ва эчки бир ёшга тўлган бўлиши керак. Бироқ, олти ойлик бўлишига қарамай, бир ёшга тўлганга ўхшаб қўриган қўйни ҳам қурбонлик қилиш жоиз бўлади.

Биргаликда қурбонлик қилувчилар ҳайвонни бирга сотиб оладилар ёки ораларидан бир кишига ҳайвонни сотиб олиш учун ваколат берадилар.

Саҳиҳлик шартлари

Бу шартлар қуйидагилардир:

- ҳайвон қусурлардан холи бўлиши керак;
- қурбонлик вақтида сўйилиши лозим.

Қурбонлик сўйиш вақти ҳайит намози ўқилгандан кейинги уч кундир. Арафа кун ва ҳайитнинг дастлабки уч кундан кейин сўйиладиган жонлиқ қурбонлик ўрнига ўтмайди.

Ҳайвонни сўймасдан тирик ҳолида бир йўқсилга бериш қурбонлик ибодати ҳисобланмайди. Бу фақатгина садақа бўлади.

Қурбонлик гўштнинг тақсими

Шериклик сўйилган туя ва сигир гўшти тахминан эмас, балки тарозидан тортилиб тақсимланади.

Қурбонлик гўштнинг ҳаммасини йўқсилларга садақа сифатида тарқатиш ёки бола-чақа учун олиб қўйиш жоиз бўлсада, энг мақбул йўли — унга бўлиб, бир қисмини қурбонлик сўя олмаганларга тарқатиш, иккинчи қисмини яқин танишлар ва қўшниларга бериш, қолганини эса ўз оила аъзолари билан ейишликдир.

Мусулмон бўлмаган қўшниларга ҳам қурбонлик гўштидан берса бўлади.

Қурбонлик қилган кишининг бола-чақаси кўп бўлиб, оила шароити унча яхши бўлмаса, у одам қурбонлик гўштини фақат оиладагилари билан ейишлиги мақсадга мувофиқдир.

Дунё полвонлари Олмаликда



Тадбирда 3 минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган миллий белбоғли кураш айна пайтда халқаро спорт мусобақалари қаторидан ўрин олаётгани, барча давлатларда мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар, айниқса, ёшлар сони ортиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун илк бор ўтказиладиган ўшбу мусобақа мазкур спорт турини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

— Мардлик, ҳалоллик ва жасорат каби фазилатлар жамланган ўшбу спорт тури 2017 йил Ашхобод шаҳрида ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги ва жанговар санъатлар бўйича Осиё ўйинлари дастурига киритилди, — дейди

Белбоғли кураш федерациясининг ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Усмон Маҳаматов. — Ўшанда полвонларимиз терма жамоамизга энг кўп медалларни тақдим этган эди.

Мазкур чемпионат ҳам медалларга бой бўлиши, шубҳасиз. Бунга полвонларимиз ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр.

Олмалик кон-металлургия комбинати спорт мажмуасида бўлиб ўтадиган мусобақада Россия, Исроил, Ҳиндистон, Эрон, Украина, Хитой, Беларусь, Швеция каби дунёнинг кўплаб мамлакатларидан 200 нафарга яқин полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Чемпионатда ўғил болалар 42, 45, 50, 55, 60, 65, 71, 77, 85,

95 килограммгача ва ундан юқори вазн тоифаси бўйича голиблик учун баҳslashса, қизлар 44, 48, 52, 57, 63, 70 килограммгача ва ундан юқори вазн тоифасида гиламга чиқади.

Мусобақада ўз вазн тоифаси бўйича 1-ўринни кўлга киритган полвонлар 1 минг 500, 2-ўрин соҳиблари 1000, 3-ўринга сазовор бўлган полвонлар эса 500 АҚШ доллари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланади.

Мусобақа 11 августгача давом этади.

Авзабек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗД
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

«ХЭШТЕГ»

Шу номли фотоқўргазма Тошкент Фотосуратлар уйида давом этмоқда. Унда Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси фоторассомлар шўъбаси аъзолари Бобур Алимходжаев ва Гаянэ Аванесяннинг ўнлаб асарлари кенг оммага тақдим этилган.

Қўргазма

Хэштег — бу икки фоторассом — Бобур Алимходжаев ва Гаянэ Аванесяннинг қўргазма-мулоҳазасидир. Суратлар турли макон ва замонда туширилган бўлсада, улар ягона кайфият ва қарашларга эга бўлиб, ўзида тугал композицияни мужассам этади. Тақдим этиладиган фотосуратларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиш мумкин, бироқ уларни бирлаштирсангиз муаллифларнинг мушоҳада-мулоҳазаларини равшанроқ англаб етиш имкониятига эга бўласиз.



Қўргазмада уяли телефонда бўлгани сингари ойнали фотоаппаратда туширилган фотосуратлар ҳам бор. Муаллифлар учун қандай ускунада фотога олиниши муҳим эмас. Асосийси — дақиқа кайфияти ва гўзаллигини томошабинга етказиб бериш, уларда мушоҳада уйғотишдир.

Хэштег — рамз, панжара, сўз ёки жумла маъноларини англатиб, «#» белгисини ифода этади. Қўргазма муаллифлари уни фотографияларда тугал композицияни умулаштириш учун қўллайдилар. Хэштегнинг рамзий маъносидан ташқари, айнан шу белгининг мушаккавий маъно билдиришига ҳам эътибор қаратиш муҳим ва у «дизея» сифатида қўлланилиб, оҳангнинг ярим тон кўтарилишини билдиради. Қўргазмада тақдим этиладиган фотографиялар ўшбу белги маъносига мувофиқ умулаштирилган ва созланган, десак муболаға бўлмайди.

У. ҲАМИДУЛЛАЕВ
Муаллиф олган сурат

Биз Кўконга борамиз!

БЕКОБОДЛИК ҲАЙКАЛТАРОШ БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРМОҚЧИ

Ўз вақтида «Хунарманд» уюшмасининг аъзоси вилотиимиздаги катта гулдонларга бетакрор шарқона безаклар чизган. Афсонавий отлар ҳайкалларини тасвирлаган, чавандозлар ҳаяжонлари ва ҳис-туйғуларини катта истеъдод билан акс эттирган. Қўл иши устасининг кенг дунёқараш бетақрор ва оригинал шаклдаги чойнак ва пиёлалар, лаган ва

косалар яратилишига замин яратди. Бўёқларни тўғри танлашда унга тенг келади-гана жуда кам.

— Сополдан ишланган бумлардан инсонлар қадим замонлардан бери фойдалана келишган, — дейди Далер Раҳматов. — Бу одам яратган илк сунъий материалдир. Кўп асрлар аввал Европа ва Хитой расомлари сопол бетакрор хусусиятларга эга эканлигига иқдор бўлишган. Айнан шу-



нинг учун ҳам бугунги кунга келиб, таниқли усталарнинг асарларини дунёнинг турли бурчакларида музейларда ва нуфузли тўпламлар орасида кўриш мумкин. Бу ажойиб буюмларнинг бир қисми миллий анъаналар асосида яратилган бўлса, яна бир қисми, чуқур ҳисси-

ёт ва абстракт тафаккур таъсирида бунёд этилган. Бинобарин, сополдан ясалган буюмларга ҳанузгача талаб катта. Ишонаманки, Кўконда бўлиб ўтадиган фестивалда менинг асарларимга ҳам муносиб баҳо берилади.

Х. РИХСИТЛЛАЕВ
Муаллиф олган сурат

Бошланиши 1-бетда

Бу воқеага ҳам ўн беш йилдан ошди. Туманимизнинг чекка қишлоқларидан бирининг оқсоқоли эллик ёшга қарши олаётган дўстига табрик бергани тахририятга келди. Журасининг расмини стол устига қўйиб: «Шу оғайним ҳақида қанча илиқ сўз айтсам арзийди, садақатли инсон», дея таърифлади. Маҳалла раиси айтиб берган ҳаётини воқеани эшитиб: «Уйларига олиб боринг», деб илтимос қилдим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, маҳалла оқсоқоли мени ўша хонадонга бошлаб борди. Мўъжазгина, шинам хонанинг бир бурчагида ётган жувон турмуш ўртоғининг дўсти бўлган маҳалла раиси ва бизни самимий қарши олди.

— Кеңирасиз, синглим, ўрнимдан турулмайман, — деди синик овозда. — Бир бедаво дард йигирма бир йилдан буён вужудини кемириб келмоқда. Агар Худойим менга шундай садақатли инсонни учратмаганда бу дард аллақачон мени еб битирарди...

Опахонинг айтишича, иккинчи фарзандига ҳомиладор пайтида бели ва оёғида оғриқ пайдо бўлган. Оғриққа эътиборсиз ҳолда чакалогини эсон-омон бағрига босгану ўзи ўрнимдан турулмай қолган экан. Қайнона-қайнотаси, турмуш ўртоғи бор имкониятини ишга солиб, дўхтирма-дўхтир чопишган. Лекин, тақдирда шу ёзуғ борми, жувон йигирма бир йилдан буён тўшакка михланиб қолган. Турмуш ўртоғи барака топсин, касалманд аёлини ҳеч кимга муҳтож қилмай, ўзи парваришлаб келар экан. Бошқа аёлга уйланишни тавсия қилган турмуш ўртоғи: «Насиб қилса оёққа туриб кетасан, ўшанда яна бахтли яшаймиз», дея таскин берар ва аёлининг қалбидидаги милтиллаб турган умид чирғоғини сўнишига йўл қўймас экан...

Баъзан арзимаган гап-сўзлар ортидан юз кўришмай, бир-бири-

га таъна тошларини отаётган эр-хотинларни кўрганда касалманд жуфти ҳалолга садақати, вафоси билан куч бағишлаётган ўша эркак кўз олдидан ўтаверади... Аслида йигирма тўққиз ёшида аёли ноги-



рон бўлиб қолган эркак киши бошқа бир аёлга уйланиши ҳам мумкин эди. Лекин ўзгалар парваришига муҳтож рафиқасини, икки нафар фарзандини ота меҳрига зор қилишни ўзига эп билмади.

Хизмат юзасидан туман яраштириш комиссиясининг йиғилишида бели ва оёғида оғриқ пайдо бўлган. Оғриққа эътиборсиз ҳолда уни йиғилиш эмас, бир-бири билан келиша олмаётган эр-хотинларнинг таъна-маломат намойиши, десак тўғри бўлади. Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, имом-хатиблар, ФХДЭ бўлими вакиллари, маҳалла раиси ва мутахассисларидан иборат яраштириш комиссияси йиғилишида иштирок этаётган ёшлар, қайнота-қайноналарнинг ўзларини туттишлари, муомала маданиятини кўриб, аттанг, дейсиз.

— Қизим келин бўлиб тушганига энди бир йил бўлди. Лекин, қайнонаси ўғлини қизганиб, қизимга ҳам, кўёвимга ҳам тинчлик бермаяпти, — дейди қизнинг онаси кудасига тик боқиб.

— Она бўлса ҳаддини билсин, ҳадеганда қизининг ҳаётига арала-

шавермасин, — жahl отига минади кўёвнинг онаси.

— Ишдан келсам, телефонимни титиб кўради. Ўқувчиларимнинг ота-онаси билан иш юзасидан гаплашсам, уларнинг ҳар бирига



кўнғироқ қилиб жанжал кўтаради. Бундай ҳолатда эрим билан яшолмайман, — дея турмуш ўртоғини изза қилади келинчақ.

— Аёлим олий маълумотли, мен эса ўқимаганман. Шу боисдан оилада у мендан устун тургиси келади. Икки нафар боламни ўзим боқиб оламан. Лекин, хотинимни қайтиб уйга олиб кетмайман. Ажрашаман! — оғзидан кўпик сочиб ўдағайлайди йигит...

Оила қуриш осон. Лекин, уни асраб-авайлаш мушкул. «Қайнона қайнамаса келин айнимайди», деган нақл бор халқимизда. Қайноналар насихатини бошлаганда келин вазминлик билан, бир лаҳза сукут сақлаб турса, олам гулистон. Шу боисдан оналар қизларига муомала маданиятини, мулоҳаза юритишини, катталар гапирганда одоб сақлаб туриш кераклигини ўргатмоқлари лозим. Ёшларни ёш десак, катталар уларни йўлга солиб насихат қилиш ўрнига, ўғил-қизларини ёнига

тушиб, қўғни аланга олдиarmoқда.

— Муборак ҳадислардан бирида «Қайсики аёл ўз эридан арзимас нарс сабабли талоғини сўраса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди», дейилади. Эътибор қилсангиз, унда



аёллар учун қаттиқ огоҳлантириш бор. Аёллар эрларига қаноат ва чиройли одоб билан итоат қилмоқлари вожиб бўлади, — дейди туман имом-хатиби.

Бундай нотинч оилалар билан суҳбатлашиб, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришимизга

Дилфуза МИРОБИДОВА

Рассом табассуми

